

БОҒЛОВЧИ МОДДАЛАРНИ “FLOUROSEPT” БРИКЕТИНИ ПРЕССЛАНУВЧИ МАССАЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

К.М.Ильхамов, Х.К.Жалилов

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
Республикаси

Ишнинг мақсади: маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосидаги, буйрак ва сийдик йўли тош касаллигида қўлланиланишга мўлжалланган “FLOUROSEPT” брикетини прессланувчи массаларининг технологик хоссаларига боғловчи моддалар таъсирини ўрганиш.

Усуллар: тўғридан-тўғри ва нам донаторлаш усулида брикет олиш. Брикетнинг прессланувчи массасини технологик хоссаларини ўрганишда фойдаланиладиган тегишли МҲ ва ХІ ДФ да келтирилган (фракцион таркиб, сочилувчанлик, сочилувчан зичлик, эркин тўкилиш бурчаги, прессланувчанлик, зичланиш коэффиценти, қолдиқ намлик, усуллари бўйча амалга оширилди.

Натижалар: Тажрибалар турли боғловчи моддалар ёрдамида нам донаторлаш усулида брикет олишга қаратилди. Бунда ёрдамчи моддалардан тозаланган сув, ҳар хил фоизли крахмал шилимшиғи, 2 ва 5% ли метелцеллюлоза гели, қанд қиёми ва бошқа моддалардан фойдаланиб, прессланадиган массалар тайёрланди ва уларни технологик хоссалари аниқланди. Тажриба натижаларига қўра “FLOUROSEPT” прессланувчи масса тайёрлашда қўлланиладиган боғловчи моддалар уларнинг технологик хоссаларига турлича таъсирини намоён қилади. Хусусан 5-10% крахмал шилимшиғи ва 2-5% МЦ гелини қўллаб тайёрланган прессланувчи массаларнинг технологик хоссалари ижобий натижаларни берди. Бу эса ўз аксини гранулометриқ таркибда йирик фракцияларнинг кўплиги (-2000+1000 мкм фракцияда 30-70% оралиғида бўлиши) массанинг сочилувчанлик, прессланувчанлик хусусиятларининг катта ва эркин тўкилиш бурчаги кичик кўрсаткичларда бўлиши намоён бўлди. Боғловчи моддалар сифатида сув, паст концентрациялик 1-3% крахмал шилимшиғи ва 0,5-1,0% МЦ гели қўлланилган ҳолатида эса уларнинг боғловчи самарадорлигига қўйилган талаблар натижаси паст, бўлиши ва сифатсиз брикетлар олиниши намоён бўлди.

Хулоса: маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосидаги, буйрак ва сийдик йўли тош касаллигида қўлланиланишга мўлжалланган “FLOUROSEPT” брикетини прессланувчи массаларининг технологик хоссаларига боғловчи моддалар таъсирини ўрганилди ва

мақсадга мувофиқ бўлган боғловчи модда тури ва миқдори аниқланди.